

ИЖТИМОЙ АХЛОҚ ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ САҚЛАШДА ОИЛА ВА МАКТАБНИНГ РОЛИ

Наргиза Миразаловна МИРЗААХМЕДОВА

тадқиқотчи

Республика Маънавият ва марифат маркази ҳузуридаги

Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти

Тошкент, Ўзбекистон

e-mail: nargiza.mirza76@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақолада ижтимоий ахлоқ ва миллий қадриятларни сақлашда оила ва мактабнинг роли муҳим эканлиги таҳлил қилинади. Оила ва мактабнинг асосий тарбия ўчоғи сифатида ижтимоий ахлоқ нормалари ва миллий қадриятларни шакллантиришда ҳамкорлигининг жамият барқарорлиги ва маънавий тараққиёти учун зарур аҳамият касб этиши таъкидланади.

Таянч сўзлар: ижтимоий ахлоқ, миллий қадриятлар, оила, мактаб, маънавий тарбия, ахлоқий таълим, миллий анъаналар, тарбия ва таълим, жамият барқарорлиги, маданий мерос, ватанпарварлик, ахлоқий сифатлар, ўзаро ҳамкорлик.

РОЛЬ СЕМЬИ И ШКОЛЫ В СОХРАНЕНИИ СОЦИАЛЬНОЙ ЭТИКИ И НАЦИОНАЛЬНЫХ ЦЕННОСТЕЙ

Наргиза Миразаловна МИРЗААХМЕДОВА

исследователь

Институт социальных и духовных исследований Республиканского

центра духовности и просветительства

Ташкент, Узбекистан

e-mail: nargiza.mirza76@gmail.com

Аннотация

В данной статье анализируется важная роль семьи и школы в сохранении социальной этики и национальных ценностей. Подчеркивается необходимость сотрудничества семьи и школы как основных институтов воспитания для формирования норм социальной этики и национальных ценностей, что способствует стабильности общества и духовному развитию.

Ключевые слова: Социальная этика, национальные ценности, семья, школа, духовное воспитание, нравственное образование, национальные традиции, воспитание и обучение, стабильность общества, культурное наследие, патриотизм, нравственные качества, взаимное сотрудничество.

Маълумки, глобаллашувнинг кучли таъсири жамият миллий асослари пойдеворининг емирилишига сабаб бўлмоқда. Ҳар қандай давлат демократик тамойиллар асосида ривожланиш сари қадам қўяр экан, ўз жамиятининг

барқарорлиги ва мустаҳкамлигини таъминлаш чораларини кўради. Бундай чоралар ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳарakterга эга бўлиши мумкин. Жамиятнинг мустаҳкам ва барқарор бўлишида ижтимоий ахлоқ ва миллий қадриятларни сақлаш эса ҳам ижтимоий, ҳам маънавий характер касб этиб, чоралар ичида муҳим ўрин тутди. Биз ахлоқ ва ижтимоий ахлоқ тушунчаларига кўп бора дуч келамиз. Алоҳида шахсларнинг хулқ-атвори билан боғлиқ меъёрий тизим – хусусий ахлоқдир.

Ижтимоийлик – жамиятга тегишлилик мазмунини билдиради. Демак, ижтимоий ахлоқ – бу жамиятдаги инсонларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи, уларнинг ҳаётий фаолияти ва хулқ-атворини бошқарувчи меъёрлар тизимидир. Профессор А.Маврулов таъкидлаганидек, “Авваллари жаҳон майдонидаги муҳим сиёсий масалаларни ҳал этишда қуролли тўқнашувлар, ҳарбий йўллар кучига устувор ўрин берилган, кейинчалик эса сиёсат ва дипломатиянинг таъсирчан кучидан фойдаланилган бўлса, энди бу масалани ахлоқ, аниқроғи, одамлар орасида ахлоқсизлик кўринишларини кенг тарғиб этиш асосида ҳал этишга уриниш кучайиб бормоқда”.

Миллий қадриятлар эса, инсоннинг миллийлик ҳисси ва маънавий дунёқарашини шакллантириб, жамиятнинг маънавий устунини мустаҳкамлайди. Бу қадриятлар авлоддан-авлодга узлуksиз ўтказилиши зарур бўлиб, уларнинг сақланиши ва ривожланишида оила ва мактабнинг ўрни беқиёсдир. Шу билан бирга: “Миллатнинг таназзули – миллий қадриятларнинг таназзулидир” [8;90].

Ахлоқни шакллантириш ва камол топтиришда бир қанча омиллар иштирок этади. Ушбу мақолада ана шу омиллар ичида оила ва таълим тизимининг ўзаги бўлмиш – мактаб ҳақида фикр юритамиз. Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, зардўштиларнинг муқаддас китоби – “Авесто”да ҳамда буюк аждодларимиз – Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий каби алломалар асарларида инсонда юксак ахлоқий фазилатларни камол топтиришда оила, миллий қадриятлар ҳамда таълим, сабоқ масалалари асосий ўринни эгаллаши қайд этилган. Маълумки,

Ўзбек оиласи ўзида миллатимизга хос кўп асрлик маънавий қадрият ва анъаналаримизни, удум ва расм-русумларимизни, маънавий-маърифий, маданий меросимизни сақлаб келади. Оилада шаклланган ўзбек миллатига хос бўлган муомала маданияти, меҳр-оқибат, мурувват, андиша ва ор-номус каби одоб-ахлоқ намуналари нафақат тарбия вазифасини ўтайди, балки инсоний қадриятлар ва фазилатларнинг намоён бўлишида, комил инсонни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Оиланинг ижтимоий ахлоқ ва миллий қадриятларни сақлашдаги ўрни. Маълумки, қадриятлар ўз моҳиятига кўра хилма-хил бўлиб, улар орасида табиий, моддий, маънавий ижтимоий-сиёсий, ахлоқий қадриятлар алоҳида ажралиб туради. Шу маънода оладиган бўлсак, қадриятларнинг энг олийси – бу инсоннинг ўзи, ҳуқуқи ва эрки, соғлом ва фаровон турмуши ҳисобланади. Қадриятларнинг асосий шакллантирувчиси ва авлодларга етказувчиси эса асосан оила ҳисобланади. Демак, оила ўз тарбия воситасини миллий қадриятлар асосида олиб бориши билан миллийлик касб этади. Бу эса миллий ижтимоий ахлоқни мукаммаллаштиришда муҳим ўрин тутаяди.

Оила – инсоннинг биринчи мактаби ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, “Шарқда Қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму-ҳаё, меҳру-оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланган” [7;35]. Бу ерда фарзандлар биринчи бор муҳаббат, одоб-ахлоқ, масъулият каби ахлоқий сифатлар билан танишади. Оилада меҳр-муҳаббат ва ҳамжиҳатлик муҳити шаклланади, бу эса ижтимоий муносабатларнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Миллий анъаналар ва урф-одатлар жонланади, фарзандларда миллий ғурур ва ҳиссини уйғотади. Энг муҳим ахлоқий қадриятлар – садоқат, фидойилик, камтарлик, ҳалоллик каби фазилатлар тарбияланади, бу сифатлар жамиятда барқарорликни таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Шу боис, оиланинг барча аъзолари ўзлари учун намуна бўлишлари, фарзандлари билан доимий мулоқот ўрнатиб, уларнинг маънавий ўсишини таъминлаши жуда зарур

ҳисобланади. Фарзандлар ота-онасининг ҳар бир ҳаракатидан ўрнатилган. Шу сабабли, ота-она нафақат ўқитувчи, балки тарбиячи, маънавий етакчи сифатида ҳам ўз масъулиятини англамоғи зарур. Оила муҳитидаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва меҳнатсеварлик муҳити боланинг қалбида адолат, инсоф, инсонпарварлик ва бағрикенглик туйғуларини шакллантиради.

Мактабнинг ижтимоий ахлоқ ва миллий қадриятларни шакллантиришдаги аҳамияти. Мактаб – бу фақат таълим оладиган жой эмас, балки шахс тарбияси ва унинг жамиятдаги муносабатларини шакллантирадиган муҳим ижтимоий маскан ҳисобланади. Мактабда бола нафақат фанларни, балки жамоада яшаш, жамоа билан муносабат ўрнатиш, инсонлар ўртасидаги ахлоқий меъёрлар ва қадриятларни ўрганади. Бу жараёнда ўқитувчининг шахсий намунаси, ўқув жараёнидаги тарбиявий ёндашувлар, мактаб муҳитидаги маънавий-ахлоқий муҳит ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Билим масканида ўқитувчилар ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, ота-онага ҳурмат, миллий урф-одатларимизга ва тарихий меросимизга садоқат, тилимиз ва динимизга эҳтиром, инсоф ва адолат, ҳалоллик ва садоқат, бағрикенглик ва меҳр-шафқат каби фазилатларни сингдиришга ҳаракат қилади. Бунинг учун дарсдан ташқари вақтда ҳам турли-туман маънавий-маърифий ишлар – суҳбатлар, давра суҳбатлари, театрлаштирилган саҳналар, китобхонлик кечалари ва турли танловлар ташкил этилади. Бундай тадбирлар болаларда билим билан бир қаторда ижобий ҳис-туйғуларни, миллий фахр ва мансублик туйғусини ҳам юксалтиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, мактабдаги ҳамкорлик ва тенглик муҳити болаларда бағрикенглик ва мулоқот маданиятини шакллантиради. Миллий қадриятларга асосланган таълим тизими орқали мактаб нафақат билим, балки маънавият ва ахлоқ мактабига айланади. "Тарбия масаласи – бу фақат ота-онанинг эмас, балки бутун жамиятнинг вазифасидир. Биз барчамиз бирга бўлиб ёшларнинг келажагини қуришимиз керак", деб таъкидлайди Президентимиз Ш.Мирзиёев [2]. Шунингдек,

мактаб жамият билан, оила билан узвий алоқада фаолият юритган тақдирда, тарбия самараси янада юксак бўлади. Мактаб ва оила биргаликда ҳаракат қилса, ёшлар маънавий баркамол, масъулиятли ва миллий қадриятларга содиқ шахслар бўлиб вояга етадилар.

Оила ва мактабнинг ўзаро ҳамкорлиги. Оила ва мактабнинг ўзаро ҳамкорлиги – бола тарбиясидаги энг муҳим омиллардан биридир. Бу икки муҳит фарзанднинг шахсий ривожланиши, ахлоқий ва маънавий қадриятларни ўзлаштиришида ўзаро тўлдирувчи ва бир-бирини мустаҳкамловчи вазифани бажаради. Агар оилада бошланган тарбия мактабда давом этса ва ушбу икки тизим ўртасида яқин ҳамкорлик мавжуд бўлса, бу фарзанднинг ҳар томонлама баркамол инсон сифатида ўсиб-улғайишига хизмат қилади.

“Оила – жамиятнинг асосий негизи бўлиб, унинг асосини тўғри курмасдан ва фарзандни тўғри йўлда тарбияламасдан туриб, жамиятни ислох қилиб бўлмайди”[9].

Бугунги глобаллашув жараёнида болалар ташқи таъсирларга кўпроқ дуч келмоқда. Турли ахборот манбалари, интернет ва оммавий маданият ёшлар онгига турли ғояларни сингдириши мумкин. Бундай шароитда оила ва мактабнинг ҳамжиҳатлиги, болага тўғри йўл кўрсатиши ва унда танлов қилиш қобилятини шакллантириши жуда муҳимдир. Ота-оналар ва ўқитувчилар ўртасидаги доимий мулоқот, бола тарбияси ва ўқув жараёнидаги иштирокини мувофиқлаштириш, унинг қизиқишлари ва қийинчиликларини биргаликда муҳокама қилиш мақсадга мувофиқдир. Бунда синф раҳбарлари, мактаб психологлари, ота-оналар, жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда ўтказиладиган учрашувлар, суҳбатлар, маънавий-маърифий тадбирлар катта аҳамият касб этади. Ота-оналар фарзандининг таълим ва тарбиясида мактаб билан ҳамкорлик қилар экан, болада ўқишга ва яхши хулқ-атворга бўлган рағбат ортади. Шу билан бирга, мактаб ходимлари ҳам ҳар бир боланинг оилавий муҳитини инобатга олиб, индивидуал ёндашув асосида тарбия ишларини самарали ташкил этишлари мумкин. Шундай

қилиб, оила ва мактаб ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик ва ишончли ҳамкорлик – ёш авлод тарбиясидаги муваффақиятнинг асосий кафолатидир. Бу ҳамкорлик туфайли ахлоқан соғлом, билимли, маънавий етук ва миллий қадриятларга содиқ авлод вояга етади.

Қайд этилишича, ижтимоий ахлоқ ва миллий қадриятларни сақлашда оила ва мактабнинг роли жуда муҳим. Оила – инсоннинг биринчи мактаби бўлиб, у ерда ёшларда меҳр-оқибат, ватанпарварлик, садоқат каби асосий ахлоқий сифатлар шаклланади. Мактаб эса ушбу тарбияни давом эттириб, болани жамиятда фаол фуқаро сифатида ривожланишига кўмаклашади. Ўқитувчиларнинг шахсий намунаси ва маънавий тадбирлар ёшларда миллий қадриятларни мустаҳкамлайди. Оила ва мактаб ўртасидаги ҳамкорлик тарбия самарадорлигини оширади. Бугунги глобаллашув шароитида ёшлар ташқи салбий таъсирларга учраши мумкинлиги туфайли, ушбу ҳамкорлик жуда долзарбдир. Ота-оналар ва ўқитувчилар ўртасидаги доимий мулоқот боланинг маънавий ривожланишига катта таъсир қилади. Шу боис, оила ва мактаб ўртасида ишончли ва яқин алоқа мустаҳкамланиши керак.

Оилада фарзанднинг биринчи тарбия мактаби сифатида миллий ва маънавий қадриятларнинг асоси, тамал тоши қўйилади. Мактаб боланинг шахс сифатида ривожланишида, ахлоқий ва ижтимоий нормаларни мустаҳкамлашда муҳим вазифани бажаради. Оила ва мактабнинг ҳамжиҳатликдаги фаолияти болада тўғри дунёқараш, ватанпарварлик, маданият ва маънавиятга ҳурмат туйғусини шакллантиради. Ҳар икки тизимнинг биргаликдаги масъулиятли ва мунтазам ҳамкорлиги орқали ахлоқан соғлом, маънавий етук ва миллий қадриятларга содиқ авлод тарбияланади. Миллий қадриятлар ва ижтимоий ахлоқни сақлашнинг энг самарали йўли – бу оила, мактаб ва жамиятнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатидир.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий ахлоқ ва миллий қадриятларни сақлаш ва ривожлантириш – бу жамиятнинг барқарор тараққиёти учун муҳим асос ҳисобланади. Ушбу жараёнда оила ва мактабнинг ўрни беқиёсдир. Оила

фарзандларнинг биринчи тарбиячиси ва миллий ахлоқнинг асосий манбаи бўлса, мактаб эса бу тарбияни системалаштирган ва кенгайтирган маърифат ўчоғи вазифасини ўтайди. Шу боис, у оила ва мактаб ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, миллий кадриятлар асосида ижтимоий ахлоқни шакллантиришга катта ҳисса қўшади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. – Тошкент: Адолат, 2020.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 1 сентябрдаги таълим соҳасига бағишланган мурожаати, расмий веб-сайт: president.uz
3. Абдурахмонов Қ.Х. Миллий кадриятлар ва тарбия масалалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2006.
4. Авесто /Н.Жўраев таҳрири остида. – Тошкент: Шарқ, 2001.
5. Ахророва Ш. Маънавият энг таъсирчан ва кудратли қуролимиз: илмий рисола. – Тошкент: Маънавият, 2022.
6. Иброҳимов И. Ўзбек миллий менталитети ва кадриятлари. – Тошкент, 2007.
7. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999.
8. Назаров Қ. Кадриятлар фалсафаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 2004.
9. <https://oyina.uz/>